
ОЛТИН ОСТОНАГА БИРИНЧИ ҚАДАМ

Отабек Раҳимов

**ИШҚ
ДАФТАРИ**

Шеърлар



0

Фафур Фулом номидаги нашриёт-маъбаа ижодий уйи
Тошкент—2008

84(5Ў)6

P33

Ушбу китоб муаллифи Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармасининг «Келажак овози» Республика ёшлар танловининг «бадиий публицистик ижод» йўналиши ғолиби.

Китоб «Ёшлар йили» муносабати билан чоп этилди.

Раҳимов, Отабек.

Ишқ дафтари: Шеърлар / О.Раҳимов. — Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. — 32 б. — (Олтин остонага биринчи қадам).

Отабекнинг шеърлари фақат севги ҳақида. Кўнгилдаги ягона изтироб — бу муҳаббат ва унинг азобларидир.


Ёш шоирнинг «кечинма»лари Сизга маъқул бўлади, деган умиддамиз.

10-35003
091

ББК84(5Ў)6

4702620202-78 қатъий буюртма, 2008

M362(04)-2008



ISBN 978-9943-03-174-6


© Отабек Раҳимов,
Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2008 й.



* * *

Олчабарг – хол – осмоннинг баданида,
Олча барги – булутларнинг тарновлари.
Нега бунча кўз тиктирар қадамига?
Куёшни тахт қилиб олган ановлари.

Дур-у гавҳар ёноғига ўхшаб тушган,
Тойма-тойга адашмади ҳижжалари.
Осмонлардан қақроқ ерга қақшаб тушган,
Юрагимга қадалади мижжалари!





Қараб қолавердим,
тупроқни ўпиб.
Ҳар бир қадамингда
излар йиғлади.
Қулоқлар эшитмас,
тиллар кесилган,
Умидсиз жовдираб
кўзлар йиғлади.
Севги, яна севги...
Эй, эски қайиқ
Қанча кўнгилларнинг
ёшида суздинг?
Нафрат-у изтироб,
Ҳижрон ва соғинч,
Мақтов ва олқишлар,
Бариси сенга...
Тўғриси айтгин,
Эй, жиловсиз ҳис!
Илк бор кимни
йиғлатувдинг,
кўйингда?



* * *

Кипригингда соғинчларим қўниб турар,
Кўз ёшларинг улоқтириб отгандайин.
Томиримни томирингга улаб қўйсам,
Юрагингда маломатлар ботгандайин.

Мен лолани белаб қўйдим тош бешикка,
Бойчечакни устига тўр қилиб ёпдим.
Машраб бобо қуриб кетган бу эшикка,
Ишқсиз кириб чиқавериб, нима топдим?

Қуёш биллур нурларини совуқ ёрса,
Аёзларда қизиб кетиб сиқиламан.
Шу совуқ сўз гўримгача излаб борса,
Ётолмайман, тупроқларга тўкиламан.

Сўзларимни юрагингнинг тубига сол,
Номлаб қўйгин, япроқлардек қалашмасин.
Кўнглингда қўл солувчилар кўпайишган,
Ўшаларнинг қўлларига илашмасин.

Истакларим истакларинг пинжидадур,
Билиб қадам ташлаяпмиз кузга қараб.
Қўлларингни чўзгин, етмас масофа кўп,
Наҳот шунча адашибмиз, кўзга қараб?!



* * *

Мен ишққа сиғиниб,
адо бўлганман.
Адолар қатори
гадо бўлганман.
Билмадим ким учун,
оҳ, кимлар учун?
Ўзимдан кечарлик
фидо бўлганман.
Жонимнинг жонини
қидириб жондан,
Ўзимнинг жонимдан
жудо бўлганман.
Чўққига тирмашса
кесилган кўлим,
Йўлингга туташса
узилган йўлим,
Бу – энг гўзал ўлим,
бу гўзал ўлим:
Ерга йиқилганда
садо бўлганман!





* * *

Бир кун айриламиз сўзингча,
Ўтказган кунимиз суққа ўхшайди.
Сен кимга тегасан, ўзингча,
Сўнг кўришга ҳаққим йўққа ўхшайди.

Қараки, бу ёғин ҳеч ўйламабман,
Йўлимиз белгилаб берса бировлар.
Бир кун хатосини англайди амманг,
Юрагини қийнар турли сўровлар...

– Китоблик ёлғончи бунинг устига,
қип-қизил камбағал,
қилар иши йўқ.
Яхшилаб ўйлагин, адашма жиян,
Ўзи муҳаббатнинг ақл-у ҳуши йўқ!..

Начора, шу зайл ўтади кунлар,
Отабекни қийнар ҳижрон хаёли.
Ёнингда қоракўз гўдаклар ўйнар,
...Сен бахтли ҳовлининг кўркама аёли.

Учрашдик...
Ёмғирли, қорли кунларда
Кўлингдан ушлашга етмади журъат.

Менинг ёнимдаги аёлни қийнар,
Блакнот ичида турган бир сурат!?

Қара, сени буткул тортиб олмоқчи,
Йўқчилик, қашшоқлик деган тамғалар.
Бир кун давлатимнинг ҳисоби бўлмас,
Менга қушиқ айтиб берар қарғалар.

У пайти ёнимда сен бўлмайсан-да,
Элас тушларингда хира кўрасан.
Ёзган шеърларимни ичингда ўқиб,
Бошқага табассум қилиб турасан.

Бу йўл билан синов қилма Худоийм,
Бардош беролмайман,
Ишқ қурбонингман.
Тамагир ибодат қилгувчи каби,
Ўтолмай қоламан имтиҳонингдан.





Шубҳа...

Қоқ иккига айирар тоғни,
Шубҳа — бир пой калиши йўқ девона.
У бемор қилади, дадил ва соғни,
Дўстни душман, ёрни эса — бегона.

Шубҳанинг ўчоғи бир кўнгил эмас,
Бутун вужуд бўйлаб — сўқир оташгоҳ.
Аввало, ўзини ёқиб тўзғийди,
На фикри равшан-у, на зийрак нигоҳ...

У бир бева хотин — ҳислари чақмоқ,
Тулаган шамолдек тепиб, узади.
Ташвиш чорланади,
голиб Ихтилоф:
фақат айиради, фақат бузади!





* * *

Сиз учун ҳеч нима,
сиз учун ҳеч гап.
Сиз учун ҳаммаси
бўлмағур туйғу.
Нима қилай, ахир
ахтариб келган,
Сизни севган ўша
йигитингиз-ку!
Тан олмайсиз сира,
аммо кўзингиз...
Ростини, ошкора
сўзлайверади.
Майли, яшириниб
юринг ўзингиз,
У эса Пойтахтдан
излайверади.
Мен энди кетаман,
ҳеч изламайман,
Сиз ўтган кўчага
босмайман қадам.
Узр, ўртангизда
бўлиб қолибман,
Сизга ёқмайдиган
учинчи одам.



* * *

Мен эски девона, ҳирқаси хароб,
Пойгакка солинган тўшанчи каби.
Шиддатим йўлига тўсқин ихтилоф,
Белида миндириб инграйди сўри.

Баъзи харобларнинг ҳароратидан,
Оппоқ булутларим елга тўшалди.
Фалакнинг галдаги кароматидан,
Дўли аёл айтган гаплар ушалди...

Сени устоз дейми, қозим дейинми?
Менга имдод, сендан лозим дейинми?
Шундоқ ҳам гунчамга совуқ қишинг бор,
Мени тинч қўй,
Менда нима ишинг бор?

У қиз розимикан, қашқирлар ичра,
Мен билан яшашга, сўраб кўрай-чи?
Бир марта берилган ўзи бу умр,
Ўзим билганимча яшаб кўрай-чи.

Фурсатни ҳозирлай, имкон бор озроқ,
Ҳамма орзуимга бирга етамиз.
Биз нонсиз қолмаймиз катта шаҳарда,
Бугдой пишар пайти,
Уйга кетамиз!



* * *

Унсиз йиғлар кечалар,
Адашган эсиз лола.
Ошиқлари нечалар,
Севолмайди қиз бола.

Хар йигит кўrsa уни,
Юраги тилка-пора.
Муҳаббатин айтолмай,
Қийналади бечора.

Сочларини тарайди,
Кўнгли тўлиб бўйидан,
Йиғлаб қайтади гузал,
Дугоналар тўйидан.

Тўлишганда севгиси,
Кўйганида ёлғонни.
Тамғаларин сезмасди,
Ташлаб кетилганлигин!..

Унсиз йиғлар кечалар,
Адашган эсиз лола.
Ошиқлари нечалар,
Севолмайди қиз бола.



* * *

Гўзаллар ёнига қўймайди мени,
Бир зум суҳбатини олайн десам.
Ўзи имлаб, яна ҳайдайди мени,
Бир лаҳза ёнида қолайин десам.

Мен қайрилма киприкларга ишондим,
Сўздан бўлган кўприкларга ишондим.
Ҳатто кириб чумолининг гапига,
Шамим туриб, пилигларга ишондим.

Юз йил ортга кетган бўлсам, вожаб,
Қирқ йил эрта кетган бўлсам, вожаб.
Балки шудир кўргуликлар охири,
Сўнгги йўлга етган бўлсам, вожаб.

Гўзаллар ёнига бормайман энди,
Улар мени кўрмай юргани яхши.
Юзимни безаган турфа ажинлар —
Ойдан ҳам покиза қизлар қарғиши!





* * *

Тўй бўлганда барча қувонар,
Бахтдан кўкка етар бошлари.
Қайга бориб тушса барибир,
Қизлар – палахмоннинг тошлари.

Ўша куни севинчдан – севинч,
Туғилади аёвсиз, изчил.
Фақат чироқ ёқса ёришмас,
Бурчакдаги ғариб бир кўнгил.

Бошга ботар ҳўл болишлари,
Юрагидан томади зардоб.
Зардолига солган арғамчи,
Уни чорлар бағрига шу тоб.

Қоқилади сеҳрли қанот,
Парвоз етар Кўҳи Қофларга.
Шу пайт қизча қочиб келади,
Тегмайман деб не-не шоҳларга.

Юздан ошган кампир, ажални
Уни кутганчалик кутмайди.
У ҳам билармикан келмаса,
Шу қизчанинг тўйи ўтмайди...



* * *

Суягин қақшатиб Момо Ҳавонинг,
Куёшга рўбарў бир муз йиғлайди.
Чимилдигидан ҳам топмай даъвони,
Дунёни тўлдириб гул-қиз йиғлайди.
Бунча кўп тўкилар меҳрманд ёшинг,
Хурлар тўқиб кетган зўр қиссамисан?
Танишдай туюлар ширин овозинг,
Қурбонбиби қизи, Зебинисамисан?
“Қимматбаҳо кўйлак киймай ман ўлай”,
Шошган юрагига нишлаб йиғлайди.
– Севганим қўлида майли, бўз кияй,
Таъмсиз лабларини тишлаб йиғлайди.
Дунё ҳавосига кўнгил тўлмаган,
Қизлар қуш эмас-ку, учаверсалар,
Муҳаббат, ўзинг айт,
Бу қисмат қандай?
Севмаганга кучоқ очаверсалар!





* * *

Ярим умрим ўтар мени,
Дамим ичга ютиш билан.
Қолган ярми ўтса керак,
Энди сени кутиш билан.

Бошқа гулни истамайман,
Ўз кўнглимни тузаб қўйдим.
Сени маъсумалигинг-у,
Меҳрим билан безаб қўйдим.


Ўртамизда дарёлар бор,
Мен шулардан ўтолсайдим.
Майли, наҳанг ютсин майли,
Фақат сенга етолсайдим.

Қишда кутдим. Баҳорларда
Яна роса кутсам керак.
Ундан кўра уйга бориб,
Яхшимасми, эксам терак?

Нега шамол бўлди десам,
Ҳаволарда елиб қолдинг.
Ҳали анча ёзар эдим,
Афсус, ўзинг келиб қолдинг.



Рафторимни кўрмоқ истабсан,
Кўравер қаршилиқ, койим йўқ.
Паналардан пойлаб ўтирма,
Бировдан зиёда жойим йўқ.
Қишлоқнинг бир фақир боласи,
Сержавоб, чапани, дадилмас.
Устимдан дуд ҳиди келади,
Чет элда ишланган атирмас.
Уларга мансабинг, коринг ҳеч?
Ҳаёга ювилган юзлари,
Тўн кийиб юрсам ҳам севади,
Қишлоғим соддадил қизлари.
Бир умр тутишга ожизсан,
Чеҳрангда табассум доим йўқ.
Кўрдингми, „ўзим“ деб керилма,
Сенинг ҳам, менинг ҳам ойим йўқ!





* * *

Сенсизликнинг ҳар соати зулмда,
Жунун даштин аросати йўлимда.
Мажнунлигимнинг чораси ўлим-да...
Қонлар ютдим, ичган сувим сой эрмас,
Нигоҳингни қўнимлари жой бермас.

Жонимнинг ҳар қийноғида касринг бор,
Фамга мени устун этган қасринг бор.
Махмурлигим хуморида дастинг бор,
Ҳотамлик қил, паймонамни тўлдирма,
Фироғингни кучоғимга қўндирма.

Дилафгорлар тўқир мунгли ҳикоят,
Айрилиқнинг ҳар бир сўзи шикоят,
Висол шавқин этармисан иноят,
Кипригимда иморат бор, қўй қалам,
Остонаси санга муштоқ манданам.

Кашф этмадинг юрагим харитасин,
Саҳарларин кутдим ҳижрон кечасин.
Баҳри ишқдан изладим тўй кемасин,
Лек матлабим интилгани баланд дор,
Мен осилдим, мотам куйлади ёр-ёр.

Ошноларим кўздан оққан жоламдир,
Бахт бегона, армон менинг боламдир.

Бир шеър эмас, дардим менинг оламдир...
Бу оламда йўқдир ихтиёр менга,
Яна қанча озорларинг бор менга.

Хоқоний дил чўкиб қолди афтода,
Тийра моҳдай сизиб чиқдим самода,
Ишқ дегани борми ўзи дунёда?..
Тонгсиз юртга кўчиб кетган тун севги,
Ёлғизликни севса керак чин севги.

Бу жунунваш руҳим чиқса измимдан,
Ақраболар кулмасмилар устимдан.
Туриб-туриб ранжиб кетдим ўзимдан,
Мен чинакам қурбонликни истайман,
Ишқ шаҳрида султонликни истайман!

Майли, бахтни алам қилиб бер менга,
Ишқ гулобин ялам қилиб бер менга.
Дил дардини қалам қилиб бер менга,
Ошиқ кўнгил маҳзанига бўлай фарқ,
Ўлсам, ишқнинг қўлларида ўлай, Ҳақ!





* * *

Яна сен,
шу маҳал тинчимни буздинг,
Ширин уйқусида, ҳозир одамлар.
Нимани излайди, алламаҳалда,
Юрагимни кезиб бедор қадамлар.
Яна сен,
тушимни буздинг истамай,
Бу кеч тинчгина ётмоқчи эдим.
Бироз сабр қилсанг,
Дадил, рост гапим,
Сендан кетганимни айтмоқчи эдим.
Сўрамай кўзимга тикилдинг,
Кейин...
Содда юрагимни тунадинг.
Ҳар куни бошимни силайди қуюн,
Чумчуқлар гапига нега унадинг?
Яна сен,
йўлимда ётма ястаниб,
Этагингни босиб, ўзинг тўқишма.
Фурур осмонининг, эй маликаси
Ўшандай тахтингдан
ерга тушма...
Боқиб жовдирадим,
Кўзим тўймади,

Тиллақош, ҳақиқий тиллақош-ку бу.
Унга безак учун терилган тошлар,
Ошиқлар кўзидан оққан ёш-ку бу.
Яна сен,
Тинчгина яшаб юр, жоним
Мени чорламагин, қарашларингда.
Ҳаммаси тугади,
Кўзгу тутмайман!
Узун сочларингни тарашларингда.





* * *

Орқамдан йиғлаб қол,
фақат йиғлаб қол.
Тағин куйиб қолма,
доғи кетмайди.
Сен билан яшамай
қанча йил бирга,
Яшолмаганимдек,
вақтим етмайди.
Уялма,
Кўрқмагин,
Боргин уйимга.
Кун кўролмай кетган
йигирма ёш-а!..
Тўй қилиб чақирсам
келмас тўйимга,
Душманларим учун,
катта томоша.
Якун топар бир кун
умр савдоси,
Сарғайган япроқдек,
шамолга эрмак.
Овозинг эшитиб
туролмайман-у,
Хурсанд бўлганимдан,

бир кулсам керак!..
Икки буюк армон
ўрин талашиб,
Дунёдан тўймадим,
Сендан тўймадим,
Безиб ўзимдан
минг марта кечдим,
Суратингни бир зум
қўлдан қўймадим.
Бизлар-ку ҳеч қачон
бирга бўлмаймиз,
Сенда ҳам кўп айб...
Менда кўп айб...
Ярим аср ўтсин,
йиглаб туради,
Ўн саккиз ёшдаги
севги мункайиб.





* * *

Бугун англаб етдим,
севгинг ҳажмини.
Бугун бошларимга
кўтараман, кел!
Ҳар бири сочимга
оқ бўлиб тушди,
Сенинг хаёлингга
ўтган шунча йил.
Энди нигоҳларинг
отмайди найза,
Энди дийдаларим
тош бўлиб қотган.
Ўн саккиз ёшида
кўмилган майса,
Бугун осмонгача
томирлар отган...





* * *

Кўзимга нур берган томир узилди,
Толейим кўёши туюлди муздай.
Табиблар дардимни тушунолмади,
Кўнглимни тушунмай кетган бир қиздай.

Бемисл кенгликда бир дарахт ёлғиз,
Шохларига ўзни осгим келарди.
Ёшим ўтган сари фикрим ҳам ғализ,
Энг баланд япроғин босгим келарди.

Мен кучдим ҳавони, ўпдим неча бор,
Лабларимни тилди шамолнинг заҳри.
Кекса осмон қараб турарди кибор,
Ғараз ниятига етди охири.

Қайта учратмадим ўшандай ҳисни,
Қайта у манзилни қилмадим хумор.
Шаштимни қайирди
Мен кўрқиб қолдим,
Узилди бешикда асраган тумор.

Ломакон ҳиссиёт ҳижронни тутди,
Оғзимдаги ошни олди гап сота.
Тиниқ муҳаббатим, беозор ишқим,
Бугун бўлиб қолди қуруқ сафсата.

Энди йўқ қадримни яхши биламан,
Энди кўнгил учун гаплар отмайман.
Ишониб кўксимни бир очувдим-да,
Энди у туморни ҳеч йўқотмайман!

* * *

Зерикдингми, ҳар кунги ўйин,
Мен боладан кўнглинг қолдими?
Ёки катта одамлар айтган,
Катта ишлар ақлинг олдими?

Нимагадир унамай қўйдинг,
Қўлларингда гул ўрнида пул.
Бир илтимос қилсам топганинг:
„Вақтим йўқроқ, гапир, тезроқ бўл!”

Кел, сўнги бор ўйнайлик дедим,
Дилда умид сўнди ўшанда.
„Мен улғайдим, тенгим эмассан,
Кичкинасан!”,— қилдинг писанда.

Бола кўнглим тўкилди, синди,
Болаликни отдим боғларга.
Энди шундай катта бўлайки,
Эгилсинлар ҳатто тоғлар ҳам!





* * *

Хайрлашдик...

Хайр демадик.

Икки кўнгил мойил демадик:

Тарвуздайн чертдик юракни,

„Оҳ!“ демади,

Қойил демадик.

Севишингга шубҳам бор хийла,

Сўзлашамиз расмий тилда.

Севишганлар ўзинг бир ўйла,

Гаплашади: энг кам – бир сутка.

Агар мени ишонсин десанг,

Шубҳаларим топар ниҳоя.

Бундан осон иш йўқдир билсанг,

Сени битта ўпсам, кифоя!





* * *

Сен кетасан жуда узоққа.
Кутқулари бошланар дилнинг.
Нағмалари кўпаяверар,
Соғинч деган сарсон – сабилнинг.

Авваллари муҳаббат сўзин,
Ўқигандим куп китоблардан.
Изоҳлашга уриниб кўп бор,
Енгилганман зағизфонлардан...

Йиллар ўтди негалир бугун,
Эртақларга ишонмай қўйдим.
Сен туфайли бугун борлиқнинг
Ҳар заррасин жон қадар суйдим.

Дил кўшкимга ботди бир чечак,
Ором экан хор – тиканлари.
Мен дунёни бошқача туйдим,
Балки шудир – ишқ деганлари?!






* * *

Одамлар яшайди, улар оввора
Минган эшагини от қилиш билан.
Оёқсиз юрибди кўплари шошиб,
Даврада кимнидир мот қилиш билан.

Қанча истеъдодлар сотилиб кетди,
Унвонлар сотилди, номлар сотилди.
Қодирий, Чўлпонлар отилиб кетди,
Лаҳзалар сотилди, онлар сотилди.

Қиёфа ўзгарди, ўзгарди муҳит,
Болаларга ёқмай қолди эртақлар.
Элнинг жигарига тушган қурт улар —
Ойни беркитмоқчи бўлган этаклар.





* * *

Кетмондаста,
Бўйларинг кўп узун эмас,
Кўлинг ҳам йўқ,
Оёғинг йўқ, тилинг йўқ.
Толларни йиғлатиб, сени кесишган,
Шундай бўлса ҳамки, дилда киринг йўқ.
Баъзан қаҳат кўрдинг, баъзан бор кўрдинг,
Далалардан тинглаб дард-у нолани.
Беш панжа ичида бир ота билан,
Ёлғиз боқолгансан ўнта болани.
Аёллар ушлалади, қизлар ушлади,
Номаҳрам демадинг,
Сен ҳалол эдинг.
Эркаклар ҳаммаси урушга кетгач,
Ёлғиз ёдгорларнинг ризқини бердинг.
Сенинг биродаринг, юрагинг кетмон,
Яшаб келаяпти сендан-да пастда.
Шу оддий темирни яшашмаганда,
Елкада юрмасдинг, эй кетмондаста.
Демак, темир билан бир чўп келишиб,
Ахир бўлар экан, тоғни ҳам ёрса!
Биз, одам боласи ёлғиз „мен” десак,
Алҳол, қўлимиздан келмас ҳеч нарса.

МУНДАРИЖА

«Олчабарг — хол — осмоннинг баданида...»	3
«Қараб қолавердим...»	4
«Кипригингда соғинчларим...»	5
«Мен ишққа сифиниб...»	6
«Бир кун айриламиз...»	7
«Шубҳа...»	9
«Сиз учун ҳеч нима...»	10
«Мен эски девона...»	11
«Унсиз йиғлар кечалар...»	12
«Гўзаллар ёнига қўймайди мени...»	13
«Тўй бўлганда...»	14
«Суягин қақшатиб Момо Ҳавонинг...»	15
«Ярим умрим ўтар мени...»	16
«Рафторимни кўрмоқ истабсан...»	17
«Сенсизликнинг ҳар соати зулмда...»	18
«Яна сен...»	20
«Орқамдан йиғлаб қол...»	22
«Бугун англаб етдим...»	24
«Кўзимга нур берган...»	25
«Зерикдингми, ҳар кунги ўйин...»	26
«Хайрлашдик...»	27
«Сен кетасан...»	28
«Одамлар яшайди...»	29
«Кетмондаста...»	30

Адабий-бадиий нашр

Отабек Раҳимов

ИШҚ ДАФТАРИ

Шеърлар

Нашр учун масъул *Муҳаммад Исмоил*

Муҳаррир *Аброр Қиличев*

Мусаввир *Олег Холодняков*

Бадний муҳаррир *Анатолий Бобров*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусахҳиҳ *Фотима Ортиқова*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

ИБ № 4728

Босилга 11.07.08 й.да руҳсат этилди. Бичими 70x90 ¹/₃₂

Таймс гарнитураси. Офсет босма. 1,17 шартли босма

тобоқ. 1,5 нашр тобоғи. Адади 1000 нусха.

260 рақамли буюртма. 86—2008 рақамли шартнома.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет маъилимиз: www.iptdgulom.uz